



Турон. Туркистон. Ватан. Кўз ўнгимизда туркийларнинг қадимиятдан Она Ери, Турк дунёсининг тарихий Ватани — салобатли жугрофий ҳудуд намоён бўлади. Туркистон гоёси халқларимизнинг азалий муқаддас орзуси, миллий мафқурасидир. Букун Туркистон мавзуида изчил ижод қилаётган шоир — Рауф Парфи Ўзтүркдир. Ушбу тўпلامдаги шеърларининг аксарияти бир пайтлар, замона зайли билан «тузатилган» холда чоп этилганди. Шоир асл матнни тиклаб диққатингизга ҳавола қилмоқда. 1993 йил 27 сентябрда Р.П.Ўзтүрк ўзининг эллик ёшини нишонлади. Шу муносабат ила «Она Туркистон» (қирк шеър) тўққизинчи китоби чин юракдан Ўзбекистон Истиклолига, ўз ўқувчиларига, Сизга бағишлайди.

Бир умр Туркистон истиклоли учун курашиб яшаётган мухтарам устод  
БОЙМИРЗА ХАЙИТ

Шарафига таъзим ила  
Иймонидир туркнинг Туркистон.  
Ахмад ЯССАВИЙ

Гўзал Туркистон, санга на бўлди?  
Абдулхамид ЧўЛПОН

Тушумму ё ўнгимму билмадим халким адо бўлди,  
Халокат майдонинда Туркистонимдан айрилдим.  
Абдурахмон ВОДИЛИЙ

#### 1. ОГРИК

1. О, Она Туркистон, қора дунёда,  
Қисмат елкасида югурдим, елдим,  
Гох шавқ қанотида, гох пиёда,  
Юқиниб, мен сенга сизгиниб келдим.

Мен сени соғиндим ҳаддан зиёда,

Гамли хотирангга борлигим тўлди.  
Бу узлук уммонда, бу ахгар богда  
Сирпандим. Мен каттик чирпандим. Сўлдим.

Ўткинчи гамлардан танамда титрок,  
Ростми шу? Шеър тугар эмиш аламлар?..  
Гохо хўрлаб, тишлаб ўтдилар, биров  
Сен билан кечган эй илохий дамлар...

Балким, илхомингни судради кўпрок  
Шон-шухрат буржида ёнган санамлар.  
Сохир юрагингни чакмок урди-ку,  
Ортик кулфатларга доимо шайсан.

Кўзингда котган нур порлаб турди-ку,  
Сен ахир тириксан, ёниб яшайсан.  
Тугатиб бўлмас ҳеч бу дардни ичиб,  
Ўрилган ярадан чечаклар ўсди.

Юрагингнинг йиртик кўйлагин ечиб  
Багрингга босарсан — бормисан, дўстим?  
Дунёни шопирар ёлгонга, чинга,  
Биров рохат килар эзгиб, кулдириб,

Изтироб уругин сепар ичингга.  
Хай, дейсан, не топар мени ўлдириб,  
Карайсан, кўзингга нурни тўлдириб.  
Балли, кобогингнинг улуг кучига.

2. Ҳеч нарса юпатмас, шоир, ҳеч нарса,  
Гариб бахтиёрлик энди юпатар.  
Юлиб вужудимни титиб ахтарсам  
Дунёвий аламнинг тошлари ётар.

Хар ким ўз калбига ўзидир хокон.  
Барибир, мен сени севиб сизларман.  
Эхтимол, нохакман, эхтимол хакман —  
Мукаддас Туркистон сўзин изларман.

Сўз менинг кўксимга санчилар, хайхот!..  
Шовулла, гуркира, хаёт нафаси.  
Рухга иймон бергил, эй кодир хаёт,  
Кизгонма самовий сеҳрнинг сасин...  
Юрак деб аталган огрик бу — нажот.  
Кўкрак кафасимиз — нажот калъаси.

## 2. СИЁВУШ ФАРЁДИ

Судрар оёгимдан каро ер каъри,  
Муз тоглари ўсар кўзим ёшидан.  
Дарди йўқдир кўк юзининг, йўк багри —  
Инсон юракларин кахр тошидан.

Нахот парчаланмас, бу тошлар синмас,  
Кимсан, ўзлигингдан кил мени огох,  
Силохлар, занжирлар олами тинмас,  
Каён окмокдасан, эй олампадох?

Тўхта, Сиёвушман, унутдинг, нахот?  
Конларга ботдим-ку, ёндим, кирилдим,  
Сендан, Дамованддан тиладим нажот.  
Кўз очиб очунга кайта урилдим.

Тўхта, Сиёвушман, мен яна хаёт —  
Кайта ўлиш учун кайта тирилдим.

## 3. ТУРКИСТОН ЁДИ

Накадар узундир, огирдир бу йўл,  
Далалар ястаниб ётар кўк каби.  
Тиглаб хотирамни осмон — чеки йўк,  
Тизгинсиз бу шиддат кенглик асаби.

Бу кенгликда ўйлар мени гижимлар,  
Ул ўз кофиясин судраб келадир.  
Канча кочсанг шунча килгай хужумлар,  
Ўк сингари хотирамни тиладир.

Теграмда зич хаво — она Туркистон,  
Оъргай томиримни кўр хаяжоним.  
Бу майдон ичинда мен тўкмаган кон,  
Менинг уни дея аяган жоним.

Яна йирокларга чорлайдир мозий,  
Ватан тушунчаси келар етаклаб  
Айрилган, хўрланган улус овозин,  
Шоирнинг бешиги айтар эртақлар.

Яссавий макбари мунгаймиш магрур.  
Товушга айланди хар бир гишт ранги.  
«Дунё менинг деганлар...» Нидо келур.  
«Каркас кушдек...» Кадим сўзлар жарангги.

«Оългон даъво килганлар...» Сўзлар шоир.

«Окни каро деганлар...» Айтинг, кимлар?!  
Макбара бошимга йикилар хозир,  
Яна товуш: «Харом еган хокимлар...»

Парчин-парчин бўлди ёдим симлари,  
Симлар — кўзларимга мил тортган чизгу.  
Ўтган улугларни эслайман барин,  
Хотирот мозори — Туркистон мангу.

Кеча содик ўглинг ўтди дунёдан,  
Сахий инсон эди, у шоир эди.  
Санчилик яшайди бир умр ёдда,  
Кетаётиб, мен йиглаб, бўлдим, деди.

Йигла энди кўзим, сен-да йиглаб ол,  
Тўйсин кўз ёшинга бу туркий стам.  
Тўйсин, Ватан ёди чидар бемалол.

О, сабр дарахти, кутлуг Туркистон.  
Накадар узундир, огирдир бу йўл.

4.  
Хайр, дада, биз энди кўриша олмаймиз ёруг дунёда. Биламанки, сиз тупрокда, биламанки сиз, калбимнинг багрида очилган япрокда. Биламанки, мумкин эмас сизни бир бор кўрмок бахтини тута билмай кўкракда, ер ўпмок. Армоним колди холос. Туркистонимга — армонимга сигинаман. Сизни согинаман. Биламанки, мумкин эмас.

5.  
ТАВФИК ФИКРАТ КИТОБИГА ЎЗУВ

Мен ухлайман, мен ухлайман,  
Рўёларга ботаман.  
Тушларимда мен йиглайман,  
Булутни уйготаман.  
Бокмам ерлик наволарга,  
Билмам қачон кайтаман.  
Мен дардимни хаволарга,  
Шамолларга айтаман.  
Мен ухлайман, мен ухлайман.  
Аста юмгайман кўзим.  
Тушларимда мен йиглайман,  
Сен кулиб тур, Юлдузим.

6. АБДУЛХАМИД СУЛАЙМОН ЧЎЛПОН

Шу ожиз холимда шоирманми мен?

Чўлпон

1. Она тилим, сен рухимнинг каноти,  
Абуттурк нафаси, Олтой чечаги.  
Хун давридан омон келди Гиротинг,  
Кутлуг Энасойнинг эзгу эртаги.

Ўрхун бўйларида тошга айландинг,  
Кўкларга санчилдинг, Турон бўлдинг Сен,  
Мангулик сафарга қачон шайландинг?  
Қачон бу аламга — кучга тўлдинг Сен?

Порлок осмонингда кузгунлар учди.  
Э вох, ёғийларинг солди яғмони.  
Ёғийларинг жигар конингни ичди.  
Жигар-кон жарангги тутди жахонни,

Онасен. Кечирдинг, конидан кечдинг,  
Бирок кечирмадинг асло ёлгонни.  
Дунё ок эмасдир, йўк, кора бардош,  
Куйиб ёдимиздан кечганлар айтсин.

Сўзларида захар, кўзларида тош,  
Элидан, тилидан кечганлар айтсин.  
Тунлар босиб келар дунё хасрати  
Кунлар гизли тугён, босиб келар шеър.

Нечук қисмат эрур, шоир қисмати?!  
Тушларимни бузар хазрат Алишер...  
Йиллар баҳоримни учирди чалкиб,  
Музларга кўчирди ўтлук ёзимни.

Ахтардим мухитда хас каби калкиб —  
Мен ўз Юлдузимни, ўз Куёшимни...  
Юлдуз сен, Куёш сен, сен она халким,  
Сен учун синдирдим синмас созимни.

Ох, шоир қисмати, яркирок, гулгун,  
Завқларга тўлар у, бир сўзни излар.  
Дунёда ҳеч бир зот билмас, не учун,  
Айрича кулар у, айрича бўзлар.

Йўлсизлик йўлдоши, толеи нигун  
Ҳеч қачон тўярми ахир ёвузлар.  
Бу халқ душмани, деб тутсалар бир кун,  
Барибир, у халқнинг номидан сўзлар.

Бошида кора киш, оппок бахорлар,  
Юраги яриму бутун иймони,  
Талотум оламини шивирлаб чорлар.  
Тани омонатдир, накд эрур жони,

Кўкрак кафасида ловуллаб порлар  
Буюк мухаббатнинг конли нишони.

7.  
ОМОН АЗИЗ. «КАНДАКОРЛАР»  
Ўлтиришар икки жунунваш,  
Икки жахон билмаган жахон —  
Икки шоир маъюс, хаёлкаш,  
Ўрталикда олов — Туркистон.

Мангу ёнар лахзалик оташ,  
Котиб колган хаёл бепоён:  
Асрий хасрат, юракдаги тош,  
Бир лахзалик шодлик намоён.

Титрар олам бир паришонхол,  
Тўрт тарафда зулматдир гариб,  
Тўрт тарафни гўё босмиш ёв.  
Келажакка ёгдирар савол,

Гўё тунда имкон ахтариб  
Чорлар мисда музлаган олов.

8.  
ШАМОЛЛАР  
Шамоллар бошимда айланур, дарахтлар тебранур шамолларда, дарахтларнинг меваси ларзон, сояси ларзон. Хусусан дарахтлар... Дор: Ювилган кийимлар осилсин, томошо кўрсатсин дорбозлар. Чўян-ошхонада козон. Дарё: нур. Темир: автомат бармок, Кабристон: гулзордир. Бошимда айланур шамоллар. Бошимда одамларнинг, ватанларнинг шамоллар шаклида хайкирган овози. Мен бепарво бўла билмасман, эй «бахтли» диёрнинг, эй бепарвоси. Калбимни асримнинг томирига уларман: Майли, ошсин кон босим, шарт портласин кардиограмма. Кўзларимнинг деворига караб ўларман. Сендан аямасман умримни асрим. Бу умрим нимадир?! О, она Туркистон, бир варак когоз каби ўзимни йиртмасам... нарсалар нарса эмас мен учун. Нарсаларда бор менинг ўчим, кесилган дарахтлар-тўнгақдир кесилгувчи бошларга. Дор: Энг гўзал фикрлар осилган — Чўян: осколка. Кайларга куюлар бу дарё, бу дарё тинарми?.. Ёки яна кайтадан бизнинг ибтидомиз бошланажакми? Бу темир: Бу Ге эмас, таркиби жон, шахидлар кабрига хусн-гажакдир. Куёш фожеъ хотира, асрдош. Йўллар. Икки одам йўл ўртасида, бир-бирига бокар, сирдош, сухбат куришар улар. Иккови хам кетди бир томон, лекин хайрлашиб олишди асли. Нарсаларга нарсадай карай билмасам, ёлгиз сен сабаб, шамоллар онаси, хей, асрим. Деразамни очади бўрон, бўрон очар эшикларни. Менга бир

дам бермайди ором кўрганларим, эшитганларим.

9.

Шамол, сочларимни тарама,  
Окарса окарсин азобдан.  
Кисмат, хайрон бўлиб карама,  
Ахир айирмадинг газабдан.

Кетмакдаман энди. Тонг отар.  
Алвидо, эй, Турон диёри.  
Кетмакдаман, ахир, биродар,  
Дунё колур, дунё губори...

Олдинда кўринур бахорлар,  
Бу — Туркий Дунёнинг Бахори.  
Пичоклар бўғзимга етганда  
Калтираб тўкмасман ёшимни,

Хеч нарса йўк менинг елкамда,  
Мен сенга бахш этдим бошимни.

10.

БИТИКТОШ

Фирдавсий бир замон айтгани каби  
Хар не ўткинчидир, фанонинг ўзи,  
Факат икки нарса колур абадий —  
Ботирнинг шавкати, дононинг сўзи.

Аждодлар Ватан деб жон фидо килган,  
Бехуда гап сотиб юрмаган улар.  
Мана, минг йилларни опичлаб келган  
Битиктош она-ер хакида куйлар.

Вакт куюнида не даври даврон,  
Бу — тошга айланган эркдир, бардошдир.  
Бу — Турон аталган мукаддас армон.  
Унга карайману бир хис туяман.

Бу юртим тимсоли мангулик тошдир...  
Юрагим тошига шеърим ўяман.

11.

Чексиз-чексиз дакикалардан иборатдир менинг чорак асрлик умрим. Бу кандай иморатдир бунёд этган кўлим. Гап бошка, устоз, бошка. Эй умрим, хаккимдир ахир бир соатнинг ўзида бир мазмун Нозимнинг дардлари каби узун, ишончлари каби голиб яшашга. Эллик ёшлик бифарзанд кишининг: «Бир ўғлим бўлса эди», «бир кизим бўлса

эди» — фикрларидай огир, ёшликнинг ширин армонлари каби олгир, айна орзуларда, айна кайгуларда, айна севинчларда, айна Туркистонда яшамок, устоз. Шундай бўлмаса агар, нега керак бу келбат, бу овоз. Шунчаки дарахтдай ўсмокми, шунчаки дарёдай окмокми дарбадар. У пайт кўзим очик лекин асли кўрмасди. У пайт юрак урар лекин асли урмасди. У пайт, дарахт-дарахт, дарё-дарё, Юсуф-Квазимодо. Мен-ку истамасман ўлимни, бироқ хар соатда, хар дакикада бу ёруг дунёнинг хар томонидан хукм этмоқдалар ўлимга мени. Мен — Юлиус Фучик — дорга осилди бошим. Тўйчи Эрийгит ўгли — отим менинг — кўксимда совуган кўргошин. Ботган кўзларимда жаллоларнинг аянч сурати котган. Ветнамлик бир гўдакман мен — багри яра, кўлсиз, оёксиз ва бошсиз ётган. Мен хали хам турма панжаси ора сўнгсиз ва озод осмонларга карайман. Карайман куёшга. Мен хаёт иштайман, гап бошка, устоз, бошка...

12.

## ШЕЪРИЯТ

Сени танимаган шўрликлар аянч.  
Аскад Мухтор

Одам Ато ва Момо Хаводан олдин хоргин кишиларнинг рухида бўлдинг бунёд, бунёд бўлдинг Ер ва Дунё аталган Юртда. Сен бор эдинг хаётбахш сувда, учар шамолда, иссик тупрокда, сен бор эдинг Прометей келтирмаган ўтда. Кейин даврлар, асрлар, Атом асри кейин... Дунёни кайта курмок, ишончга ишонтирмок мумкин бўлмасди, сени билмасдан.

Сени таниганнинг кўлларига дармон бердинг, кўзларига нур.

Бош отганда улуг жангда ўлимга магрур — ўлими гўзал эди сени таниганнинг, ўлим — мангу яшамак каби туюлди у дам. Кимдир ёка йиртди, сени унутди, талвасада бакирди, сени танимасдан увол ўтди оламдан. Ўзи танхо колиб кетди кузгунларга ширин емак бўлиб бир бурда.

Шу оддий сув мавжида, заррин япрокларнинг кўксида Навоий тугилар, суронларда Нозимнинг овози. Гардандан гирдоб каби куюлар — Элюар, Вужудимнинг хар бир хужайрасида сўзларнинг содик кўшини — Туркистон, Туркистон, Туркистон — Туркийнинг дунёвий кўшиги. Йўк, хали йўк, шоир экватор бўйлаб сенинг юрагингдан отилган ўк.

Юксак орзулари бордир шоирнинг, шоирларда бўлар факат эзгу ният. Калам-калам эмас бонгга зарб ила урилгувчи чўкмор, ундан таралгувчи садо ва акс садо сен, Шеърият. Зарб! Ок когоз узра гўё ёруг жахон узра урилар калам. Зарб!!! Касрлар, тахтлар Оъвузликлар шаклида йикилди. Шоир кулди, Оллохни тан олмаган дахрий оломон таниб олди илохий деб сени, Шеърият.

13.

## АГАР

Агар шундай бўлса агар шундайин...

Хаммаси тушунарли, ха, хаммаси,  
Хаммаси икки карра икки, яъни беш,  
Агар шундай бўлса, агар, дарвокеъ...

Хаёт мураккаб, деб ўйлаймиз хайрон,



Гавжум — одам тўла бўшликка караб.  
Ок, кора, кизил, заъфар харита —  
Она Туркистонга бош кўйиб маъюс.

Бу хаёт мураккаб, деймиз тик бокиб  
Юлдузлардек хадсиз хаёт кўзига.  
Хусусан, хаёт кўп мураккаб, деймиз  
Ўз-ўзимиз бузиб кўйгандан кейин.

Гарчанд хамма нарса тушунарлидир...  
Барибир, бир фикр берингиз менга  
Оддий «ассалому алайкум» каби  
«Саломат юрибсизми она?» дегандек,

«Ўғлим каерларда колдинг сен, тавба?»  
«Уй олдингми? Неча хоналик, иним?»  
«Устинг бут, мояна канча?» — сингари,  
Одатий, кундалик гап монанд фикр.

Ва яна бир фикр берингиз менга,  
Токи тог-тошлокда кезайин сарсон,  
Сахрони, харсангни сўзлатмак учун,  
Пахта каби юмшок сўзласин тошлар.

Хаммаси тушунарли, ха, хаммаси,  
Агар шундай бўлса, агар... дарвокеъ...  
Йирткичлар кайтсин ўз болалигига...  
Нахотки, биз кайта билмасмиз, нахот...

Хаммаси тушунарли, ха, хаммаси,  
Тушунарли, агарда шундай бўлса.  
Осмонларга бош уриб ўлмак, кизик,  
Чунки бошинг етмайди. Тушунарли.

Ўйлаб бир фикр берингиз менга,  
Токи артмакка шошсинлар одамлар  
Майса, япрокларнинг шабнам ёшларин,  
Ботаётган кунга караб йиглашсин...

14.

Харита  
Кўзларимга нур сингари сингиб кетар  
Юрагимнинг суврати — харита,  
Етар.  
Мен хали кўрмаган ороллар,  
Мен хали билмаган ерлар, денгизлар,

Конларимда ором олар.  
Конларимни бузар.  
Бунда кўринмайдир бир чайла,  
Унда бакираётган бир одам...  
Калкир, калкар хар бир хужайра  
Кўзимга сачраган ярадан.  
Шу парча когозни босиб  
Ким калбимни гижимлар отар?!  
Харита — Туркистон — нафасим,  
Кўзимнинг иссиги — харита.

15.

#### БАХТ ВА ТАШВИШ

Онам Сакина Исабекка

Бахт деб сен чеккан ташвишга ўглинг арзирми, уза биларманми бир замон узиш мумкин бўлмаган карзимни?! Ташвиш — кўргошин каби огир, Ватан каби, Туркистон каби, Бахт каби огир, шунча ёшга келиб, шамолдай елиб нима килдим, нима, ахир? Барибир хафа эмассан мендан, тўгрими? Мени деб ташвиш ютасан, мени дунё чоглаб, бошингдан дунёни баланд тутасан, кизгонасан тўпори ўглингни. Бир машъум зарб ила тўхташи мумкин тақдирлар умри... Истамайсан вахший вулкон ила тўсилиб колсин Куёш. Шундандир куёшлар кайнови конингда, шундандир кўзларингда доим ёш. Ха, дилларнинг доғи бор, умрларнинг адоғи бор бегумон. Аммо Инсон дахшати билан бир куни, бир зумда оламдан ўтишимни истамайсан онажон. Мени бахтим деганинг менинг бахтим эканинг. Бирок кийнар ташвиш — бахтиёрлик каби жиддий иш. Сени хижолат этганим сени маломат этганим — дунёдан бош олиб кетганим. Майли, хаммаси олдинда, чекмаган захматим, битмаган хатим, олмаган нафасим олдинда, ташвишимни окларман, Бахтимни ардоқларман кайта тугилган ўгилдай.

16.

Дарё каби доимо уйгок,  
Интилишим тоғ қадар баланд,  
Олис йўлга отландим, бироқ,  
Меҳрим билан, мухаббат билан,  
Эй кўнглимга тугилган Ватан.  
Хотиралар сўзлар хар бир тош,  
Эсдалиқлар ёғади осмон.  
Тирикликнинг шоҳиди Куёш  
Эсламақдан тинмайди хамон.  
Ох, Туркистон, Она Туркистон.  
Чакиради тоғлар, дарёлар,  
Яна йўлга чорлайди мени.  
Мени чорлаб куёшлар ёнар —  
Ўрганадир ёниш илмини.  
Чакиради тоғлар, дарёлар.  
Хали олдда канчалар доvon,  
Ўтгунимча то уни босиб,

Сўзла, нахот битадир дармон  
Кўзларимнинг тугар зиёси?!  
Хали олдда канчалар доvon...  
Ох, Туркистон энг аччик бўса  
Каби лабларимда уриндинг.  
Мен олисга отланар бўлсам  
Куйган юрак бўлиб кўриндинг.  
Ох, Туркистон, Она Туркистон.  
Дарё каби доимо уйгок  
Интилишим тог кадар баланд.  
Олис йўлга отландим, биров  
Сенга бўлган садокат билан,  
Эй, кўнглимга йўгрилган Ватан.

17.

### СЎЗЛАР

Дарак гап. Инсон. Ундов гап. Инсон!

Сўрок гап: Инсон? Яшамакни ўргатар сўзлар.

Баъзан кўксимизда ташиган жонни ташламакни ўргатар сўзлар. Сўзлар керак, Бош Харбларда яраланган. Бош Харфлардан яралган сўзлар. Болари сўздони бир ажиб, сўзлардир пешонада тўпланган ажин, кўлларимиз фикрчан сўзлардир. Хаддан зиёд гўзал сўздир — Турон. «Ассалому алайкум» бу тонготар, «Ва алайкум ассаламу», «Яхшимисиз» — бу йўл. «Хайрли тун» — бу — Куёшнинг ботиши. Йўлдаги киши: жуда ажойиб жумлага ўхшайди. Олижаноб сўзларга ўхшайди — Ер шари...

Яшамакни ўргатар Сўзлар.

18.

### УСМОН НОСИР

Шеърият, йўлларингда сенинг,

Эх, кимлар зору зор кезмаган.

Эх, кимлар чок этиб кўксини,

Калбини гижимлаб эзмаган.

Мен билурман сени, шеърият,

Юрагимнинг сенсан улфати.

Лекин, э вох, шу эдими айт,

Шу эдими шоир кисмати?

У Лайло атаган шеърият,

Мажнунингни нечун ташладинг?

Шу эдими ошикка кисмат,

Мукаддас кўзларни ёшладинг?

Хато йўлга кирган бўлса ул

Нега сен тутмадинг кўлидан?

Шундай кетди яна бир ўгил,

Саклаб коллмадинг ўлимдан.

Она шеърият, ўйлайсанми,  
Кўйдинг-ку шоирни какшатиб.  
У қурбони бўлди, дейсанми  
Сўкир замонларнинг вахшати?..

Кандай аянч, бу надир ахир,  
Кечирмасман сени ҳеч қачон.  
Вужудимни гижимлар огир,  
Рухим ичра ялангоч виждон.

Нахот мумкин эмасди, нахот,  
Лол турганда дунё қаршингда.  
Кийнашганда ёвузлар ноҳак,  
Бир қадам тушмадинг аршингдан...

Оън, шеърият, тутунга айлан,  
Оън, Туркистон, тамом бўл, жигар,  
Ўз шеърини ул ўзи билан  
Оъндиргани рост бўлса агар!

Шеърият, йўлларингда сенинг,  
Ех, қимлар зору зор кезмаган,  
Ех, қимларчок этиб кўксини  
Қалбини гижимлаб эзмаган.

19.

#### ОНА ТИЛИМ

1.Абут-турк таърихдан балки бир хикмат,  
Бирок сен борсан-ку Турон элинда.  
Шоир, Сўз айтмакка сен шошма факат  
Улуг Алишернинг қутлуг тилинда.

Ул олис қуёшдир қуйиниб ёнар,  
Олис хотиротдир ўчмас фалакда.  
Ҳақдан, Ҳақикатдан кўринг, қим тонар?  
Дунёвий аламнинг тийги юракда.

Ватан деб аталган бешиқ, онажон,  
Мен учун ёпилган эшиқ, онажон,  
Мен сокин солланиб илгаб борарман,  
Ватан деб аталган тобут қўйнида,

Чувалган булутни қордек қорарман  
Рухимнинг панжаси чакмок бўйнида.

2. Хеч зот уза билмас узилган жонни,  
Хакикатни уза билмас хеч қачон.  
Елим, Она тилим, рухимнинг қони  
Бир имдод сўрайман сендан, онажон.

Чаёнзор йўлидир борар йўлларим,  
Таним ёнмақдадир ишқисиз очунда.  
Қўқларга тўқинар сўнғак қўлларим,  
Оёқларим менинг тупрок ичинда.

Барчанинг бошида бирдек беомон,  
Манхус замонларнинг ўлик шамоли, —  
Бузгун йигирманчи аср аъмоли...  
Менинг она тилим, мунис, меҳрибон,

Сен Туркий дунёнинг қолиб ҳаёли —  
Сени ёзажакман, тирилган жаҳон.

3. Улуг Туркистоним, олтин далалар,  
Офтоб сочи сочи бош узра балқиб.  
У сенинг тилингда айтар аллалар,  
Қоним, она тилим, ох, она ҳалқим.

Навоий байтига ўхшайди йўллар,  
Бу тошлар Ҳамзанинг қотили, хайхот!  
Нахотки умрбод ўртаса ўйлар,  
Умрбод занжирбанд этса хотирот?!

Занжирбандман, она тилим, Она сўзингга,  
Қундайин сўларман, ойдек тўларман,  
Мил қаби тортарман сени қўзимга.  
Мен қариб бандангман. Бир Сўз тиларман,

Бошимни қўярман Сенинг изингга...  
Қудсия анфосин ёдлаб ўларман.

20.

ОХАНГ

Сени оханг, эй қамли оханг,  
Танимасдим, билмасдим олдин.  
Томиримда хун талашур жанг,  
Шунча қамни қаердан олдинг?  
Билмасмидим, ёруғ дунёда  
Шунча алам, шунча изтироб,  
Қайгуларда туйгулар ёнди,  
Заҳарми симирди хотирот?!

Оъмгир гўё дийда ёшидан,  
Нечун яраланди тушунча?  
Аламларга тимсол ўхшайди  
Тонг чогида очилган гунча.  
Дилгир-дилгир юлдузлар ёнар,  
Ой ўзини отади хозир.  
Менинг ўйчан, меҳрибон онам —  
Ер шаридан олинган тасвир.  
Йўк, сен оханг эмассан. Оўлгон...  
Сен калбимда эшилган нидо.  
Сен ҳам менга ўхшаган Инсон,  
Сен ҳам дунё, шу Туркий Дунё.

21.

Яна кайтиб келдим. Чанг тўзган  
Йўлимизни согиндим, она.  
Том устида майсалар ўсган  
Уйимизни согиндим, она.  
Азиз даргоҳ остонасида  
Сизни калбим билан кучайин,  
Тўйиб-тўйиб сопол косада  
Муздек кудук сувин ичайин.  
Хар бир нарса яқиндир менга,  
Хар бир нарса менга кадрдон.  
Караб колдингизми йўлимга  
Иссик нонлар узиб тандирдан?..  
Койимангиз мени бу сафар,  
Унутди, деб уйни, даламни,  
Не чора бор, дил ёнса агар,  
Дил согинса туркий оламни...  
О, кишлокнинг мунис чиройи...  
Аччик пиёз тўграин ўзим.  
Дил соғиниб йиглайди доим  
Хозир, майли, йигласин кўзим.  
Таргилланиб бормокда осмон,  
Оппок хидга тўлмокда бағрим.  
Айтингиз-чи, борми соғ-омон  
Шахло кўзли менинг таргилим?  
Оғушимда зангори сезги,  
Кипригимда суюк хаяжон.  
Кўзларимда юмалок севги,  
Саломатман мен ҳам, онажон.  
Кайтиб келдим яна. Чанг тўзган  
Йўлимизни согиндим, она.  
Том устида майсалар ўсган  
Уйимизни согиндим, она.

22.

Хайрон, мағлуб бу коинот,  
Ўйнар гуллар, ўйнар насим...  
Айтинг, кимга этмиш насиб,  
Бу кимнингдир ширин хаёт,  
Хайрон, мағлуб бу коинот?  
Майли, хали бор имтихон,  
Хув, олдинда буюк орзу,  
Уфк ёриб кетмакда у,  
Хув, олдинда Улуг Турон.  
Майли, хали бор имтихон.  
Садолар бер, бахтли жахон,  
Унда йўкми ёвуз ўлим?  
Сарбон, кани кетдик, сарбон.  
Турон сари карвон йўлим.  
Ассалом, эй бахтли жахон.

23.

«ЧЎЛИ ИРОК»  
Уфк ёнар, Уфк. Уф-ф!  
Карвон борар кумликда. Кум. Кум...  
Туяларда хазин кўнгирок,  
Чўли Ирок, чўли Ирок  
Тун... Кун... Тун...  
Поёни йўк мунгли бу сахро  
Узра хурмо  
Ўсадир танхо.  
Хурмо ости ложувард булок.  
Чўли Ирок. Чўли Ирок.  
Юрак чапак чалади чанкок,  
Бехуда севинар Карвон.  
Карвон учун  
Энг ширин армон —  
Улуг Турон —  
Ўша булок...  
Куриган бирок...  
Чўли Ирок, Чўли Ирок.  
Йўли йирок кўп ёмон...  
Тун... Кун... Тун...

24.

Мен ўткинчи, мен факат меҳмон,  
Остонагда эй туркий тилим.  
Менга бир шеър керак, эй мезбон,  
Ёзилмаган шеър эрур дилим.  
Айтгил, нечун бунчалар кизик,

Ески жахон, бу эски жахон?  
Бир шеър керак нон каби иссик  
Менга бир шеър керак, эй мезбон.  
Мен гарибман ва сен беомон,  
Сен Куёшсан, мен сўнган чирок.  
Кийнамагил мени, онажон.  
Сен — абадий, мен — лахза, бирок  
Итоат эт менга шу замон,  
Ё айлагил телбани тупрок.

25.

САМАРКАНД ОСМОНИДА  
Кезар бўлдим фазоларда ман,  
Ок тўлкинлар уммони ичра.  
Юрагимда кайгу-шодумон  
Айланурман Самарканд узра.  
Кўз ўнгимда кадимий жахон,  
Асрларни бузар хаёлим.  
Осмонида шунча хаяжон,  
Тушганимда не кечар холим?  
Фалакларда муаллак турдим,  
Мени сўнгсиз хаёл этмиш банд.  
Сенинг буюк ўтмишинг кўрдим,  
Келгусингни кўрдим, Самарканд.  
Таърих айтар, аста жаранглар,  
Дахмаларда кадрдон калом.  
Зиё сочар самовий ранглар,  
Минорларда абадий илхом.  
Клавихо каби бокурман,  
Бошинг узра келдим-ку алхол.  
Асрлик тош янглиг котурман  
Шохизинда қошида бехол.  
Ошикман-ку мен учун басдир,  
Атамассан менга кахрингни,  
Лекин барча ошик эмасдир  
Сен уларга очма багрингни.  
Карвон-карвон келиб кетдилар,  
Хаммасини багрингга олдинг.  
Шамол каби елиб кетдилар,  
Факатгина Сен мангу колдинг.  
Илхом излаб келди бирови,  
Биров сенга килинди сургун.  
Ким дўст эди, ким эди ёвинг,  
Барчасини айтолмам бугун.  
Ер талашиб келдилар ахир  
Вахший тўда айхоннос уриб.



Хаммасидан хабардор таърих,  
Мен не дейин осмонда туриб.  
Бўлган-ку кўп киёмат-койим,  
Кийин эрур ахтармак киёс.  
Туркистонни ўйлармиз доим,  
Келажакка буюк эхтирос.  
Тушлар кўриб ухларсан гўё,  
Тушларингда кадимий кисмат,  
Эй, Самарканд, эй кўхна Дунё,  
Сен уйғониб кетмагил факат.  
Кўпдир сахар деганнинг оти,  
Имкон бўлса кўрарман бир-бир  
Бирок танхо эрур хаётим,  
Танхо эрур Самарканд ахир.  
Бахти кулган элни кўргайман  
Хароб бўлган бўстон жойида.  
Таъзим бажо килиб тургайман.  
Кўктангрининг кутлуг пойида.  
Кезар бўлдим фазоларда ман,  
Ок тўлкинлар уммони ичра.  
Юрагимда кайгу-шодумон  
Айланурман Самарканд узра.

26.

Талпинади, шундай кулади  
Кўм-кўк ўрмон ва тиник дарё.  
Дарё узра ой хам кулади  
Ер хуснига бўлиб махлиё.  
Талпинади яшил далалар —  
Совутади асов отини.  
Куёш ширин ўйларга толар,  
Бугун ёзар гул ижодини.  
Совук юракларга ўт калаб  
Ўзи бериб ўзига бахо,  
Мангуликнинг нагмаси ила  
Талпинади Туронда бахор.

27.

Дилгир мусики окарди,  
У пайт сўзсиз ва паришон  
Бир-биримизга бокардик:  
Сени алдамайман... ишон...  
Дилгир мусики окарди.  
У пайт кўзинг эди—маъно,  
Сохта туюларди сўзлар.  
Орзуларим каби наво —

Сенинг каби мислсиз гўзал.  
У пайт кўзинг эди—маъно.  
Окшом, Туркистон ва ёмгир,  
Сен ёнимда, сен... ёнимда...  
Аста тўхтар бу куй огир.  
Куй бўлиб колдинг ёдимда:  
Окшом, Туркистон ва ёмгир.

28.

ЮРАК

Гўё барибирдир яхши ва ёмон,  
Юрак, сенга борар кўчалар очик...  
Сачраб ёнарсану бўлмассан тамом,  
Ўткинчи гамларга аччикма-аччик.  
Юрак, йўлларингда турганман такрор,  
Роса сайраганман сенинг тўгрингда.  
Ким билар, аклимга келдинг неча бор,  
Неча бор сўзладим сенинг йўгингда.  
Балки алдаганман вахима ютиб,  
Сен хам ташвишларга солгансан балким.  
Бугунчи дегайман ўзимни тутиб:  
Сен хаксан, барибир, менинг юрагим.  
Шул осмон остида кезгаймиз хали,  
Мантик ахтаргаймиз изгиб изма-из,  
Даркор бўла колсанг йикилгил майли,  
Факат йикилмасин шўрлик дунёмиз.  
Изн бер, хайкирай иймоним хакки  
Кўқларга термулиб солайин уввос.  
Мен факат Туркистон аталган ёркин  
Бир бутун юртимни истайман холос.  
Гарчи туткунман-ку эркин сеҳрингда,  
Унда собит турар максуд—манзилим.  
Колиб кетмасайдим сенинг меҳрингдан,  
Колиб кетмасайдим йўлда узилиб.  
Ажойиб диёрсан, калбим, на чора,  
Шодлик ва хасратнинг маскани санда.  
Овоз бер, айтарманми эшитиб зора  
Еслаб кўярлар-ку хеч бўлмаганда.  
Айтгил, зорингни бир кун, юрагим,  
Айтгил, куйларманми бокмай ўзимга.  
Сени жаррох каби совуккон ва жим  
Юлиб кўярманми когоз юзига?!  
У пайт алдамасдинг кўзимга бокиб,  
Шодумон дардингни тўкардинг буткул.  
Унгача илхомлар келмагай окиб,  
Унгача дунёни англамак мушкул.

29.

БОГЧАСАРОЙ ФОНТАНИ

Гамли фонтан, хали йиглайсан,  
Хасратларда бўлмайсан адо.  
Эхтимол, кимнидир йўклайсан,  
Кимлардандир кутасан садо.  
Неча-неча малак кошингда  
Тўкиб солган конли ёшини.  
Сен йиглайсан балки ўшандан  
Гамли фонтан, эгиб бошингни.  
Кўнгил учун ахир кулмайсан,  
Сен хамон йиглайсан бечора,  
Кўрганингни айта билмайсан,  
Бир сўз айта олсайдинг зора...  
Шу зангори осмон остида  
Хаёлотдек бепоён олам,  
Нукта каби олам устида  
Крим деган бир мамлакат хам.  
Кахрли, бешафкат гаройлар...  
Ўзинг гувоҳ, кўз ёшинг гувоҳ,  
Кечди аср. Йиллар ва ойлар,  
Нелар кечди бошингдан, эйвоҳ.  
Кўкка етди сабр дарахти,  
Йигла, Крим, йигла, тангри кўк.  
Не бўлмокда инсонлар, айтинг,  
Крим бору кримликлар йўк.  
Айтинг менга, кайда адолат,  
Кайда, айтинг, инсоний ҳуқук.  
Бу не холдир, кандайин холат,  
Крим бору кримликлар йўк.  
Гамли фонтан, хали йиглайсан,  
Хасратларда бўлмайсан адо.  
Эхтимол, кимнидир йўклайсан,  
Кимлардандир бўлгансан жудо.

30.

Уйғонар Туркистон, уйғонар Дунё,  
Порлок умидларга тўлиб кун ботар.  
Бахт сингари олис юлдузлар гўё  
Азал гўзалликнинг шаъмини ёкар.  
Кўнглим осмон янглиг, ёришди осмон,  
Келур от ўйнатиб Халоскор Сарбоз.  
Оъркин сахарларда Сен, Рухим, омон  
Юксак-юксакларга килабер парвоз.  
Эй Само, эй Замин, эй Инсон — кодир,  
Гуллар, чечакларга тўлсин ойдин йўл,

Нафосатга ахир чидамли одам.  
Бу кун Сен бошкасан, Дунё бошқадир.  
Сен-да Хур тугилдинг. Бир сўзла. Бир ўл,  
Ва билгил кайларда сарсондир Алам...

31.

Почта. Телеграф. Телефон. Кирдим.  
Базўр олиб келдим оёқларимни.  
Танбал, эринчак бир вужудки бу, эх,  
Оёгим маъюсликнинг оёғидир.  
Гох шундай бўлурки, миямда гашлик,  
Ўзим бир челак кон, сув ва бошқалар,  
На Ветнам, на Исроил, на АКШ,  
Дунё ўз йўлига, мен ўз йўлимга.  
Шоҳкурсига ташлаб қўйдим ўзимни,  
Юмшок, шилимшик шоҳкурсига чўкиб  
Кута бошладим рағбатномалар,  
Дўстларимнинг ёзмаган мактубларин.  
Бошин зўрга тутар огир устунлар  
Залда уймалашган жонларга караб,  
Бу ер говурига бепарво, бехис  
Почта кутилари туришар узун.  
Копкоккли огзини очару ёпар  
Бу ерда елим ва сиёх хидлари.  
Бу ерда коғозлар бўлмокда нобуд,  
Гарчи вокиф эрурлар хар нарсадан.  
Эй, бечора варақ, кафасга тушдинг,  
Телефончи кизнинг овози чиқар,  
Жаранглар совук: «Фалон Фалончиев,  
Жавоб бермаётир... алло, Фаргона...  
Туркистон?! Олтинчи хонага киринг...  
Бу ерда сўррайиб турманг, азизим...»  
Омонат кассасин кулоги тирбанд  
Ўликнинг огзидек очик дарича.  
Биров пул қўйишга шошар, бахтиёр,  
Биров олар сўнгги сўмин паришон.  
Менинг унга рахмим келмайди. Ажаб.  
Бу ерда ўйин тушар шодлик ва гам.  
Оёқларин кериб оханг пуркайди  
Тахталар. Кандиллар жўр бўлар шошқин.  
Булганиб маст холда ёзгичлар ётар  
Гижим коғозларга бокишиб хайрон.  
Телефонхонанинг бирида кулгу,  
Бирида кулгунинг тескарисидир.  
Бунда сувратлар хам кандайдир дардли,  
Тўгриси, дардларнинг шаклидир булар.

Гох шундай бўлурки миямда гашлик,  
Бурчакда ок, жиддий туфдонлар факат  
Туфукларин сочиб турар илжайиб,  
Нофелет. Фаргелет. Атчоп. Кетаман...

32.

ОНА ТУРКИСТОН

Абдулла Кодирий хотирасига

1.Хотирамнинг каър-каърида таърих  
Доим сўзлаб турар эзгин хикоя.  
Туткин куш сингари колурман гариб  
Рухимга булутлар ташлайдир соя.  
Бот-бот хаёлимдан чекинди мубхам,  
Фикримдан юлкинди Ватан кораси.  
Олисда милтираб сўнаётган шаъм  
Кўхна хасратимнинг машъум яраси.  
Кишанбанд килинар кўлларим гўё,  
Тупрокка кўшила бошлайди таним.  
Шу кадар юраги тормидир — дунё.  
Нахот фарзандига — ўзига ганим,  
Ўзи юрагига жо бўлди, аммо  
Нечун сигдирмади, нечун Ватаним?!

2. Кўрингиз тарихни, эй туркий халким,  
Кўзимга эртанинг севинчи холос.  
Ул Турондир, Туркистондир? У балким  
Ичимни кемирган кадимий касос.  
Кўрингиз таърихни. Кўз олдим парда,  
Кўлимдан учмокда бу ер, бу Ватан...  
Ошно тутинардим пўлат ханжарга...  
Жанг майдони сари отилардим ман...  
Ватан, айланарман бир кескир тошга,  
Кошинга ўк каби учиб борарман...  
Нахот тил бошкадир, нахот дил бошка?!  
Йўк! Фармон кутарман, энг сўнгги фармон,  
Шакланиб карарман калккан куёшга.  
Барибир, касос, деб ёнарман хамон.

3.Умр деганлари ўтмакда шошкин,  
Тилла баргларини элаб йўлимга.  
Сенинг мангулигинг берадир таскин  
Ерта узилгувчи менинг умримга.  
Ох, Она Туркистон, куйлайн ёниб,  
Дунё журъатини бердинг кўлимга.  
Мен энди англадим туркий дунёни,  
Мана мен, тайёрман энди ўлимга...  
Эй менинг захматкаш, эй кутлуг халким,

Бергил факат куйиб куйламак хаккин.  
Ортик масъул этар топилган бу Бахт.  
«Ишк сўзидан куйди булбул маскани»,  
Тил билан куйланмас она-Ватаним,  
Мен сени куйламак истайман факат.

33.

Муаллак кўлларидек булутлар  
Сира раво кўрмас куёшни.  
Ташна сахро ёмгирни кутар  
Кўйган каби кундага бошни.  
Сира раво кўрмас куёшни  
Учишган булутлар саргардон.  
Англамайдир бу кайнок тошни.  
Бу сахро-конталаш жигардан.  
Ташна сахро ёмгирни кутар  
Кутар-тугилмаган ўт, гиёх.  
Булутлар сахрони унутар,  
Какраган сахрода не гунох?!  
Кўйган каби кундага бошни  
Сабрсиз, бу сахро, сабрсиз.  
Кайга кўмсин бу чексиз лошни,  
Кабрсиз, бу сахро, кабрсиз.

34.

#### ХУДБИН

Хеч кимга инонмадим ёруг дунёда,  
Инонмадим отамга, онамга инонмадим,  
Боламга инонмадим, мен — шўрлик,  
Бошқасини тилга олмадим хатто.  
Каттик севдим ўзимни —  
Яшадим мен унинг  
Ўлимин кутиб —  
Мозорида бир тўйиб йигламак учун.

35.

Сен айт. Бу кун сенинг айтганинг айтган, узун каломингдан увишади жон. Туркистон сўзига кимлар хам ётган, Сўзнинг хисобига етибмиз қачон? Сўзлардан дераза, сўзлардан эшик. Сўзинг остонадир, кошона сўзинг. Сен айт. Миннатдормиз. Бошимиз егик. Сўзлар салтанатин султони ўзинг. Кимдир бузди Сўзни; кимлар ўнглади. Ким сўзнинг жаллоди, кимлар қурбони. Олимлар тинглади, якин тинглади. Кўйнимизга тўлди Сўзлар хирмони.  
Бошимизга кўниб сўзлар инглади. Кўнглимизга ботди сўзлар хижрони.

36.

#### ЭСКИ ТУРКИЙЛАРДАН

Чикмасми куёш балкиб  
Бокмасми кодир худо!  
Алвидо, она халким,  
Алвидо эй, алвидо.  
Ўзбекмомо авлоди,  
Ўзота ўглонлари,  
Рост бўлди юрак доди,  
Конларга тўлгонлари.  
Денгизи куриб битди,  
Дарёлари окмасми,  
Нахот бизни ер ютди,  
Кодир худо бокмасми?  
Туркистонни бўлдилар,  
Парчаланди бемажол.  
Устимиздан кулдилар  
Ул ёвузлар бемалол.  
Чикмасми куёш балкиб...

37.

#### САЙЁД НАВО

Бас эй маккор, гайри иймон истамам,  
Бори фитна, бори ёлгон, истамам,  
Менга онсиз икки жахон истамам,  
Инсонманам, ўзга унвон истамам.  
Кезиб шоир тинглагай фарёдлар,  
Шоир тили ўз элидан додлар,  
Ёраб! Богбони йўк, элбони йўк.  
Бори ўгри, каззобу жаллодлар.  
Онча гунох, онча шафкатдурур, ёраб,  
Онча зиён онча рағбатдурур, ёраб,  
Онча кайгу, онча раҳматдурур, ёраб,  
Онча бунёд, онча горатдурур, ёраб.  
Куйди очун, мен учун фарёд кил,  
Туткунманам, сен мени озод кил,  
Исодин кечадурмен, дейил Сендан,  
Ўзни куткор ва Сайёдни сен ёд кил.  
Маним мулким, маним сўзим — жавхарим,  
Сўзимнинг шуъласи ёнган ахгарим,  
Инонмаки, ўлмас бу мулкни йитиб  
Дард мулким, дарди олам мехварим.  
Бу фалак бедодидин ўртонди дил,  
Ёри агёр шевасига конди дил,  
Не наво килди вале Сайёд Наво,  
Ёнди Одам, ёнди Олам, ёнди Дил.

38.

ЁНАЁТГАН АЁЛ

Тентирар Касофат голиб Ахраман,  
Хакорат жар солар бунда бемалол.  
Каён кетмокдасан ёниб, кахрамон,  
Каён кетмокдасан Эй ёнгин-Аёл.

Кўксингда Харорат сўниб бўлдимми?  
Кўзингда сўнгги шаъм ўчдимми, нахот?  
Тўхта! Колган колди, ўлган-ўлдимми?  
Тўхта, дейман, бордир, бор ўзга хаёт.

Ёнаётган Аёл, шафкат кил, уйгон,  
Ёнаётган Аёл, Хурузм панохинг,  
Болангга карагил у тирик Тугён.  
Тирик Жасоратдир, тирик Оллохинг...

Кани туркийларинг, Туронинг кани?!  
Ёнаётган Аёл, ёндир Дунёни.

39.

Ухлама, сен, Хакикат,  
Чидам билан бориб кайт,  
Ок бўлсин босган изинг  
Суйиб айтгин, туйиб айт,  
Ловуллаб турсин Сўзинг,  
Куйиб айтгин, туйиб айт,  
Ухламагин сен ўзинг  
Ухламагин сен факат.  
Мудрок, кўркок жонларни  
Уйкудаги муваккат  
Басирларни уйготгин,  
Норасо маконларни  
Касрларни уйготгин.  
Уйготгин замонларни  
Асирларни уйготгин,  
Ухламагин сен факат.  
Чидам билан бориб кайт,  
Елни тўплаб уйготгин.  
Захар хўплаб уйготгин.  
Сўзларингнинг Куёши  
Аччик ёшга айлансин.  
Ботирларнинг кўзёши  
Бир кун тошга айлансин...  
Сен-да дам ол ўша пайт.

40.



Эй сиз, тўйганлар,  
Эй Сиз, башанг оломон,  
Юзингизга сепаман сўзларимни...  
Ха, хеч нарса йўк менда, хеч нарса.  
Хотин — йўк,  
Фарзанд — йўк,  
Дўст — йўк  
Ватан — йўк.  
Йўкотганларимнинг алами-захри,  
Кўксимдаги санчик олами,  
Шеъриятдан бошка,  
Хеч нарса, хеч нарса, хеч нарса.  
2007